

ЎЗБЕКISTON

ОВОЗИ

ЎЗБЕКISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIIY GAZETASI

2002 YIL 29 YANVAR SESHANBA №13 (26.872)

ДЕМОКРАТИЯНИНГ МҲИМ КҮРИНИШИ



Мамлакатимизнинг истиқболдаги тараққиёт йўли, давлат ва жамият ҳаётидаги ислохотлар янада жадаллашу-нинг муҳим омил бўлган икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартиришга бағишланган референдум юртимизда юксак уюшқоқлик билан ўтди. Бу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирнинг барча демократик тамойилларга мос, эркин овоз бериш йўли билан ўтгани мамлакатимизда демократия тобора мустақамлашни бошлаганини яна бир намоёни бўлди.

27 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов барча ватандошларимиз каби референдумда иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг Яққасарой туманидаги 648-референдум участкасида овоз берди. Шу ернинг ўзига Ислам Каримов маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари берган интервьюсида бундай муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирлар ҳар қандай давлат ва жамиятнинг демократлаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари мазкур референдумнинг мазмун-моҳияти, унинг давлат ва жамият ўзгаришидаги аҳамияти тўғрисида халқимизга етарли даражада маълумотлар берди, — деди Президентимиз. — Референдумга қўйилган масалаларнинг турмушимизда амалий натижаларини топиши сиёсий ҳаётимизни янада эркинлаштириш йўлида салмоқли қадам бўлади. Бу тадбир давлатни бошқариш, сиёсий тизимни такомиллаштиришда муҳим омилдир.

Референдум қонунчилик тизимимизнинг ўзгаришига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Аввало, янги қонунлар қабул қилини, қонунчилик ва ижро ҳоқимиятлари ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилади, парламентнинг роли ва ваколатлари кучаяди. Юқори ва қуйи палаталарнинг вужудга келиши билан кучли қонунчилик ҳоқимияти шаклланади.

Айтиш жоизки, қуйи палатамиз доимий ишлайдиган бўлади. Бу эса қонунчиликнинг янги босқичга кўтарилишига олиб келади ва ҳаётимизнинг барча жаҳдал-ридаги ислохотлар жараёнига ижобий таъсир этади.

Президентимиз юқори палатанинг мамлакатимиз учун катта аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратади.

Биз туюқчи бўлаётган юқори палата ўз зиммасига анча-мунча ваколатларни олади, — деди давлатимиз раҳбари. — Жумладан, ижроия ҳоқимияти қўлгана масалаларда айнан юқори палата олдига ҳисобот берадиган бўлади. Менимча, Президентнинг баъзи ваколатларини ҳам шу палатага бериш зарур. Биз бу палата ривожланган Фарб мамлакатларидаги ўнлаш бўлишига ҳаракат қиламиз.

Бугун мамлакатимизда ўтаётган мазкур тадбирнинг ўзи демократиянинг бир кўринишидир. Бироқ Ўзбекистондаги демократияга нисбатан турли фикрлар билдираётганлар уни Европа ёки Америка демократиясига қийслаб эмас, балки бизнинг демократияга эришиш йўлидаги динамикамизга қараб баҳоласа, тўғрироқ бўлади. Бу жараёнда умуминсоний ва демократик қадриятларни четлаб ўтмаган ҳолда кўп асрлик миллий ўзлигимизни ҳам унутмаслигимиз муҳим аҳамият касб этади.

Ислам Каримов референдумнинг ижобий натижалари мамлакатимиз сиёсий ҳаётини тубдан ўзгартиришини таъкидлади ва журналистларни қизиқтирган бошқа қўлгана саволларга жавоб қайтарди.

■ Анвар КАРИМОВ, ЎЗА мухбири

ХОРИЖДА ХАМ ЗҮР УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ

Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатларда фаолият кўрсатаётган дипломатия ва коллатоналарида олинган хабарларга қараганда, умумхалқ референдумида хорижий элларда хизмат қилаётган, муайян сабаблар тўғрисида сафарда бўлган ва тахсил олаётган мамлакатимиз фуқаролари ҳам юртимиз аҳолиси билан бир қаторда ўзларининг хоҳиш-иродаларини ифода этдилар.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистоннинг чет элларда фаолият кўрсатаётган элчихоналари ва консулликлари ҳузурида ташкил этилган 37 та овоз бериш участкаларининг барчасида референдум зўр уюшқоқлик билан ўтди. Хорижий мамлакатларда бундай участкаларга яқин-ба кунини эрталабдан овоз бериш учун келган фуқароларимизнинг кети узилмади.

27 январь кунини даставвал Япония, Корея Республикаси, Малайзия, Индонезия, Таиланд, Хитой Халқ Республикаси сингари Осий мамлакатларида овоз бериш ниҳоятини ҳосил қилди.

(Давоми 3-бетда)

«ЎЗБЕКISTON ҲАВО ЙҮЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА

Азиз дўстлар! Сизларни бугунги кўтулғ сана — «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ташкил этилганига 10 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий табриклайм.

Юртимиз ўз истиқлолини қўлга киритган дастлабки йиллардаёқ миллий авиакомпаниямиз ташкил этилгани бизнинг мустақиллиқни мустақамлаш йўлида қўлган муҳим қадамларимиздан бири бўлган эди.

Шу маънода, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувида, дунёдаги кўплаб давлатлар билан ҳар томонлама самарали ҳамкорлик ўрнатиш жараёнида фуқаро авиациямиз ўзига хос алоҳида ўринга эга десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Сизларнинг ўтган 10 йил мобайнида эришган ютуқларининг Ватанимиз фуқаро авиациясини ривожлантириш борасида биз танлаган стратегик йўл нечоғли тўғри бўлганини яққол кўрсатиб турибди. Бу стратегик йўлнинг маъно-моҳияти сиз, мана шу соҳа ходимларига айниқса яқин маълум, деб ўйлайман.

Биз жаҳон бозорига чиқишда авиация улкан имкониятларга эга эканини инobatта олиб, ўтиш даврининг муқаррар қийинчиликларига қарамай, ушбу соҳа ривожига устувор аҳамият бердик. Самолётлар паркени замонавий талаблар асосида янгилаш билан бирга, аэропортларни тубдан қайта қуриш ва ҳаво ҳаракатини бошқариш тизимини ислохот этиш ишлари амалга оширилди.

Нисбатан қисқа муддат ичида ҳаво транспортига хизмат кўрсатиш ҳамда энг замонавий самолётларни бошқарадиган юксак маълумли учувчи ва техник кадрлар тайёрлаш борасида халқаро андозалар ва илғор технологияларга асосланган мустақам база яратилди.

Бугунги кунда «Ўзбекистон Ҳаво йўллари»

белгиси билан парвоз қилаётган самолётлар турли давлатларда жойлашган 40 дан зиёд аэропортга мунтазам қатнаб турибди.

Жамоангизнинг энг ишончли ва барқарор ривожланиётган авиакомпания деган юксак номга сазовор бўлгани бarchамизга гурур ва ифтихор бахш этади, албатта.

Парвозлар хавфсизлигини таъминлаш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражасини оширишда қўлга киритган натижалари учун авиакомпаниянинг нуфузли халқаро авиация ташкилотлари томонидан бир неча бор тақдирлангани айниқса таъсирчан лойиқдир.

Энг муҳими, ўтган йиллар давомида авиация соҳасида амалга оширилган чуқур ўзгаришлар мамлакатимиз иқтисодий мустақамлашда, унинг дунё микёсидаги обрў-эътиборини янада оширишда ўзига хос омил бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, иқтисодий-ижтимоий ислохотларни амалга ошириш жараёнида халқимиз эришяётган салмоқли ютуқларда Ўзбекистон Ҳаво флотини муҳимликнинг — учувчилар, штурманлар, муҳандислар ва диспетчерларнинг, сиз, кўпмиллатли жамоа аъзоларининг муносиб ҳиссангиз бор.

Ишончим комилки, сизларнинг юксак малакангиз, билим ва тажрибангиз, мардлик ва маҳоратингиз соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимизнинг салоҳиятини оширишда мустақам асос бўлиб хизмат қилади.

Барчангизни бугунги байрам билан яна бир бор кутлар эканман, Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган олижаноб ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Сизларга ҳамisha юксак ва бахтли парвозлар ёр бўлсин, азиз дўстларим!

Ислам КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

«ЎЗБЕКISTON ҲАВО ЙҮЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 10 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТҮҒРИСИДА

Республикаимизнинг ҳаво транспортини ривожлантиришга қўлган катта ҳиссаси, авиация техникасининг замонавий типларини ўзлаштиришда, ички ва ташқи авиация йўналишларида йўловчилар ва юқларни халқаро андозаларга мувофиқ топишини ташкил қилишда эришган ютуқлари, шунингдек ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун куйидагиларга

ХУДАЙКУЛОВ Юрий Усманович — авиакомпания Авиация-техника мажмуаси «Ил-76» самолётлари цехининг етакчи муҳандиси

Кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда парвозларнинг мунтазамлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, илғор технологияларни ўзлаштириш, юқори

(Давоми 3-бетда)

«Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг». Давлатимиз раҳбари айтган бу ибора чуқур тарихий моҳиятга эга.

Бугун чароғон кўчалардан ўтганда, кенг ва шинаман йўللardan юрганда кўнглимиз яшнайди, юрт ободлиги деб жонбозлик кўрсатаётган йўлчиларимизни алқаймиз. Лекин саксонинчи йилларнинг охирида, ўша олағовур даврда йўл қурилиши вазирлиги ҳам тугатилганини, автомобиль транспортини вазирлиги таркибига қўшиб юборилганини аксарият кўпчилигимиз билмаймиз.

1989 йилнинг сентябрида Ислам Каримовнинг сазй-ҳаракати билан Автомобил йўллари вазирлиги қайта тикланди, йўлларни таъмирлаш, янги йўллар қуриш ҳақида ҳукумат қарори қабул қилинди. Йўл қурилиши соҳасидаги улғур ишларнинг тамал тоши асли ўшанда қўйилган.

1. МИНГ ЙИЛЛИК ТАРИХГА БИР НАЗАР

Инсоннинг табиатида яратишга нисбатан бузишга мойиллик кучли бўлади, деган фалсафий қараш мавжуд. Лекин ҳаёт пайдо бўлгандан буён одамзот ерга зийнат бериб келади. Унинг бунёдкорлик ишлари ичида янги йўллар очиши, кўприклар солиши алоҳида қиймат касб этади. Йўллар ва кўприклар биз, ўзимиз истиқомат қиладиган уйлардан кўра азиз, саройлар, қошоналар, ҳаттоки ибодатхоналардан мўътабар ҳисобланади. Нимага деганда, бошқа иншоотлардан фарқли ўлароқ улар барча миллат ва элатлар учун, шоху гадо учун бирдек хизмат этиб, муттасил инсоннинг кунига яради. Шу боис кишилар йўл қургани бошига кўтариб, кўприк солган одамни алқаб-улғулаб юради. Шуни ҳам айтиш керакки, бозор ва мазорлар, йўллар ва кўприклар дуо кетган хос жойларда, умумнинг маънафати кесилган нуқталарда барпо этилади.

Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, икки дарё оралағида милoddан аввалги VI асрлардаёқ йўлсозлик ва кўприк-

«МОЛИЯ БОЗОРЛАРИ» ҲУҚУВ СЕМИНАРИ

Бозор муносабатларига ўтиш даврида республикамиздаги иқтисодчи мутахассисларнинг малакасини ошириш мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни муваффақиятли амалга оширишдаги муҳим воситадир. Шу маънода «Молия бозорлари» иқтисодий тадқиқотлар маркази жаҳон банки билан ҳамкорликда 28 январдан 7 февралга қадар пойтахтдаги халқаро бизнес марказида амалий-ижодий семинар ўз иштини бошлади. Бу тадбирнинг асосий мақсади семинар иштирокчиларини молия бозорлари ва улар фаолиятини бошқариш назарияси билан таништиришдан иборат. Машғулотларни Канада Мактил университети профессори, халқаро консултант Томас Венк олиб бормоқда.

■ Забаржад БОБОЖОНОВА

УНИВЕРСИАДАГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Маълумки, шу йилнинг май ойида Бухорода мамлакатимиз ёшларининг катта спорт байрами — «Универсиада — 2002» ўтказилади. Шу муносабат билан шариф шаҳарда катта тайёргарлик ишлари олиб борилаётганда. Хусусан, «Бухоро» ўйингоҳи замонавий меъморий услубида қайта қурилмоқда. Қарийб 25 минг томошабинни сиғдира оладиган бу ўйингоҳ бит-гач, спортнинг қўлгана турлари бўйича мусобақалар ўтказиладиган бўлади.

Бундан ташқари, Бухоро давлат университети, Енгил ва озиқ-овқат саноати технологияси институти, «Семурғ», «Ёшлик», «Ситора» спорт мажмуалари, Ибн Сино номдаги маданият саройи, «Варахша» меҳмонхонаси ва яна бир қатор иншоотларни таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ниҳоятини етай деб қолди.

Универсиада ташкилий қўмитасидан хабар қилишларича, бу анжуманда нафақат мамлакатимиз, балки Хитой, Жанубий Корея, Германия, Англия, АҚШдан ҳам спортчи талабалар иштирок этадилар. Ҳа, Бухоро мусобақа иштирокчиларига яқин ойлар ичида ўзининг иссиқ бағрини очади.

■ Даврон БАҲРОНОВ

ФАХРИЙЛАР ТАШАБУСИ

2002 йилнинг «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинганлиги Навоий вилоятида истиқомат қилаётган қарияларни руҳлантириб, уларга куч ва ғайрат бағишламоқда. Улар вилоят ва шаҳар ҳоқимияти ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказининг ташаббуси билан амалга оширилаётган тарихий обидлар атрофини, кўчаларни обод қилишда ўз маънавиятини бермоқдалар.

Яқинда отахонларимиз Кармана туман «Нуроний» жамғармаси кенгаши йўли-лишида ажойиб мувожазатнома билан чиқшиди. Мувожазатда таъкидланишича, Юрбошимиз назари тушган Кармана шаҳар кўчалари, маҳаллалар, ташкилотлар ва корхонаю иборазар атрофи, айниқса, Қосимий мажмуаси атрофлари боғларга айлан-тирилди. Шуниси диққатга сазоворки, йилгилишда отахонлар «Ҳар бир фохрий 10 тупдон мевали ва манзарали кўчат экиб, келажак авлод учун эсдалик қолдирамиз» дея ташаббус кўрсатишди.

Карманалик фохрийлар эзуши вилоятда кўлч қзиб, барча туман ва қишлоқларга ёйилди. Ҳозир ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш ишлари қизгин олиб бориламоқда.

■ Ҳтир ПҮЛАТ



■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

АНДИЖОНДА ИЛМИЙ МАРКАЗ

Андижонда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Андижон — Наманган илмий маркази очилди. Андижон давлат тибубиёт институтида илмий марказ очилишига бағишланган анжуман бўлди. Андижон давлат университети ректори, профессор С.Зайнобдинов, Андижон вилоят ҳоқими ўринбосари А. Солиқов, ЎзРФА президенти, академик Б.Йўлдошев,

Наманган давлат университети ректори, профессор Т.Йўлдошев, Фан ва техника давлат қўмитаси Андижон вилоят бўлими бошлиғи Р.Аҳмедов Андижон — Наманган илмий марказининг мақсад-вазифалари, амалга ошири-лаётган тадқиқот ҳамда узаншилар ҳақида сўз юртамалар. Фаргона воидиуси ижтимоий ва иқтисодий ҳаёти масалалари юзасидан давра суҳбати ўтказилди.

■ Аҳмадилло СОЛИЕВ

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

ОЗОД ЮРТ ЙҮЛЛАРИ

ЙҮЛЛАР ВА КҮПРИКЛАР БИРИНЧИ МАҚОЛА

созлик ривожланган. Искандар Зулқарнайн қўшинлари Термиз ё Келиф шаҳри ёнида Амударёдан кечиб ўтган, чунки жуда қадимий йўл бу худуддан Марокандага олиб чиққан. Юнон тарихчиси Плинийнинг ёзишича, Буюк ипак йўли барпо бўлгунча ҳам ўлкамизда Хитой, Хиндистон ва Эрон билан узвий савдо алоқалари мавжуд бўлган, Сурия ва Шомга олиб борувчи қарвон йўллари шаклланган. Плиний, айниқса, Сибирга олиб чиқувчи Олтин йўлни алоҳида таърифлайди. Уша даврда Амударё орқали ҳам савдо йўли ривожланган.

Милoddан аввалги II асрга келиб, Фарб билан Шарқни чамбарчас боғловчи Буюк ипак йўли қарор топган. Аждодларимиз тўқиган нафис газламалар, Самарқанднинг сифатли қоғозлари, чинни ва ноёб заргарлик буюмларидан тортиб таъми тил-

ни ёрувчи ноз-неъматларга-ча дунё бозорларида харидоригр бўлган. Византия, Эрон, Хиндистон ва Хитой билан бўлган тижорат алоқаларига эфталитлар воситачилик қилгани ҳам қадим тарихда қайд этилган. Бу алоқалар темирйўллар даврига келиб янада теран илдиэ отган ва ўтган асрнинг йигирманчи йилларига қадар, яъни собиқ иттифок, миллий-худудий чегараланиш ўтказган кунларгача давом этган. Уша кезларда мамлакатимиз худудида 27 минг километр йўл бўлиб, у асосан от-арава, қарвон ва пиёдаларга ихтисослашган, атиги 2 минг километрига

(Давоми 2-бетда)

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўттинчи йилларга келиб, мамлакатимизда автомобилчи муваҳхасислар тайёрлаш жараёни бошланган. Чунки бу даврда Ўзбекистон йўловчилар ташвиш саройида 80 та автобус, 183 та енгил автомобиль мавжуд бўлган...

1940 йили Ўзбекистон ўзининг 4700 километр асфальт йўлига эга эди, саксонинчи йилларга келиб, унинг узунлиги 31767 километрни ташкил этди. Уша пайтларда йўлсозликка муносабат қандай бўлганини аниқ тасаввур этиш учун Катта Ўзбекистон тракти қурилишини эслаш kifоядир. Қирқинчи йилларда бошланган бу қурилиш туя гўшти егандек яқин-яқингача давом этганига ҳар биримиз гувоҳимиз. Бунинг биринчи сабаби — республикада йўл қурилишини ривожлантиришдан марказ манфаатдор бўлмаган, шу боис, автомобиль йўллари тармоғи иқтисодий самарасиз соҳа, деган қараш сингдирилган. Айни пайтда, гарчи Ўзбекистоннинг ўз йўллари гоят ноҳор бўлишига қарамай, республика йўл қурувчилари Тайгадаги қурилиш ишларига сафарбар этилган. Бугун Сибирда, саксонинчи йилларда «Узтоменьдорстрой», «Узуралдорстрой», «Узтоменьжилстрой» каби иқтисослашган трестлар фаолият кўрсатгани, токи истиклол кунларига қадар улар тайганин инсон қадами етмаган музолама ва ботқоқ ерлари, ўрмонзорлари узра бетон қопламали автомобиль йўллари қургани ҳақида гап кетгудек бўлса, аксарият кўпчилик хайратдан ёқа ушлайди. Лекин яқин ўтмишда шундай бўлган. Ўзбекистонлик йўлсозлар Нягань, Урал, Советский шаҳарларида кенг ва раван йўллар, кўп қаватли уйлар, мактаб ва боғчалар, магазинлар қуриб беришган. Урай ва Нягань шаҳарлари аэропортларининг қўниш йўлаклари ҳам ҳамюртларимиз томонидан барпо этилган. Бундан ташқари, улар қарийб 350 километр асло сифатли автомобиль йўли қуришган. Шуниси ажабланарлики, «йўлга ётқизилмаган бетон плиталардан озиқ-овқат махсулотларига, техника ва унинг эҳтиёт қисмларидан кийим-кечакларгача Ўзбекистон етказиб берган» («Совет Ўзбекистони» газетаси, 1989 йилнинг 24 августи).

II. ЯНГИ ТАРИХИМИЗНИНГ МУҚАДДИМАСИ

Мамлакатимиз мустақилликка чиққан илк машаққатли йиллар ёдингиздир? Теварак-атрофдаги нотинчликлар, етишмовчиликлар, иқтисодий қийинчиликлар етмагани каби айрим мансаблараст кимсалар ҳокимият учун кураш бошлаган ўша мураккаб, қалтис даврда, 1992 йилнинг 3 июлида Президент Ислоҳ Каримовнинг ташаббуси билан «Автомобиль йўллари тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Ушанда: «Бу қонунни ҳозир қабул қилиш шартиндир?» — деган таъна-маломатлар ҳам бўлган, ҳатто айрим муҳолиф нашрлар: «Сессияда кўтарилган қирқта ма-сала бир ёқда қолиб, бир депутатнинг парламентдан қандай этак силкигани эл оғзига тушди» — деб даъво қилишган...

Бугун, янги тарихимизнинг муқаддимасидан ўша воқеаларни, ҳокимият учун курашган кимсаларнинг сиёсий саф-сатарларини, кишилари қалгитувчи арзонгаров даъволарини хаёл кўзгусидан ўтказсангиз, шу даврда мамлакатимиз раҳбарининг қатъият билан амалга оширган ишларини бир-бир кўздан кечирсангиз, жуда қўш ҳақиқатлар ойдинлашади.

Эл-юрт учун нима муҳим ўзи, нима қимматли? Эътибор қилинг, ўшанда жуда бепасандлик билан камситиб ерга урилган қирқта масаланинг бири — Ўзбекистоннинг Давлат герби, яна бири — Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги, яна бири — Автомобиль йўллари, яна бири — Таълим тўғрисидаги Қонунлар эди.

Мана, ораддан йиллар ўтди ва бугун давлатимиз раҳбари ўша олағовур даврда нечоғлик узокни кўзлаб, оқилона йўл тутганини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатиб турибди. Ҳозир Ўзбекистоннинг қаерига борманг, бири-бирдан кўркам, бири-бирдан файзли, раван йўллари, маҳобатли кўприкларни кўриб, кўзингиз қувнайдик, баҳри-дилигиз очилиб кетади. Лекин бу улкан бунёдкорлик замирида ўша — қачонлардир, қимлардир камситишга уринган тарихий қонун, автомобиль йўллари ривожлантириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган ўша тарихий ҳужжат ётгани ҳақида ҳеч йўлаб кўрганмисиз?

Собиқ иттифокнинг кўпгина мамлакатларида йўл ҳўжаликлари бутунлай барҳам топган, иқтисодий инқироз ҳукм сурган даврда йўл қурилиши соҳасини сақлабгина қолмай, унинг келажагига пойдевор бўлган мазкур ишларни кадр-ламаслик мумкинми, ахир?

III. ДЕНГИЗ САВДО ЙўЛЛАРИГА ИНТИЛИШ

Ўзбекистон ўз мустақиллигини кўлга киритгач, ер юзюда тўғридан-тўғри денгиз йўллариغا чиқиш имкониятига эга бўлмаган давлатлар сони 29 тага етди.

Биз шундай жуғрофий маконда жойлашганмизки, бирон-бир бандаргоҳга чиқиш учун ҳеч бўлмаса, иккита мамлакат ҳудудини босиб ўтишимиз даркор. Уша даврда Ўзбекистон учун ташқи иқтисодий алоқа воситаси асосан Шимолда бўлиб, денгиз бандаргоҳлари Ильичевск, Санкт-Петербург ва Владивостокда, диёримиздан 3500, 4114, 5000 кило-метр-гача бўлган олисликда жойлашган эди. Гарчи шундай бўлса-да, мамлакатимиз қарийб саксон давлат билан савдо-сотик ишлари олиб борар. Йўл ниҳоятда олис бўлгани учун юк ташвиш харажатлари ортиб кетиб, иқтисодий са-марадорлик паст бўларди. Бунинг ечимини топмасдан тури-би, тараққиёт ҳақида ўйлашнинг ўзи ортиқча эди, албатта.



«Ўзбекистон денгиз савдо йўллари тўғрисида» қонунини қабул қилиш, бу эса ташқи иқтисодий фаолият имкониятларини чеклаб қўяди, — деган эди Президент Ислоҳ Каримов истиклолнинг дастлабки кунларида. — Тарихининг ўзи Ўзбекистоннинг ўрнини Фарб-ни Шарқ билан, Жанубни Шимол билан боғлайдиган Евроосиё йўллари чорраҳасида белгилган. Шу маъ-нода давлатлараро автомобиль ва темир йўл маги-страллари қурилишида иштирокимиз Ҳинд ва Тинч океанларидаги, Қора денгиз ва Урта денгиздаги, Форс кўрфағидаги йирик бандаргоҳларга чиқиши-миз таъмин этади».

Океанга олиб чиқувчи йўллар қурилишига алоҳида эъти-

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

бор қаратган давлатимиз раҳбари 1991 йилнинг 13 де-кабрида Тажен — Серакс йўлини ҳамкорликда қуриш ҳақида-ги битимга имзо чекади. 1992 йилнинг майида Шарқнинг етти мамлакати раҳбари Ашгабатда Тажен — Серакс — Машхад (Трансоиё) йўлини ҳамда Истанбул — Техрон — Исламобод — Ашгабат — Тошкент — Бишкек — Олмаота халқаро автомобиль йўлини барпо этиш ҳақида битим ту-задилар.

Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат хиссасдорлик концернини ташкил этар экан, Пре-зидент унинг олдига мамлакатимизда ва чет элларда авто-мобиль йўллари қуриш, ягона илмий-техникавий сиёсат асосида бу тармоқни кенг кўлабда ривожлантириш вази-расини қўяди. Аксарият кўпчилик, интеграция — собиқ иттифокни тиклашдан иборат, деб ўйланган. «Фалаж» қилиб даволан, 500 кунда ҳаётни жаннатга айлантириш ҳақидаги асоссииз сафсаталар идрокни пардалаб, кишилари қалғи-таётган, эҳтирослар авжига минган ўша мураккаб даврда Ўзбекистон тенглик ва Узоро манфаатли ҳамкорлик йўлига чиқиб, жаҳон бозоридан ўз ўрнини топиш, иқтисодий ва маданий Евроосиё кўпригини тиклаш учун астойдлик хара-кат қилади. 1992 йилнинг 14 июлида Хельсинкида бўлиб ўтган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти Кен-

қайта тиклаш мумкин, лекин йўқотишлар, жароҳатлар, жу-доликлар ўрнини тўлдирishi мумкинми, ахир? Шу маънода жуда кўпчилик Ўзбекистонга, юртингиздаги барқарорлик ва ўсишга ҳавас билан қарайди.

Ҳар сафар Ўзбекистонга келганимда, энг аввало йўллар-га, қанлар ҳаракатига назар ташлайман. Қачон қараманг, қанлар ишлаётган бўлади, демек, қурилиш тўхтаган эмас. Холбуки, собиқ иттифокнинг кўп-лаб республикаларида улар ҳаракатсиз қотиб ётибди. Йўллар-чи? Йўллар қундан-қун-га кенгайиб, замонавийлашиб бормоқда. Зеро, мамлакат-нинг иқтисодий, ижтимоий салоҳияти унинг йўлларида на-моён бўлади.

Бу сўхбат 1996 йилнинг баҳорида бўлган эди. Шундан буён мен мамлакат транспорт инфратузилмасининг бир бўлаги бўлиши автойўллар ва кўприклар қурилишини мут-сахил кузатиб келаман. Холбуки, ўша давргача ҳам бу соҳада кенг кўламли ишлар амалга оширилган, Катта Ўзе-бекистон трактининг Самарқанд — Бухоро йўналишидаги йўл қурилиши ниҳоясига етказилган, магистраль умуман кен-гайитрилган ва таъмирланган, вилоятларидаги йўллар за-монавий шакл ва сифат касб этган, бир сўз билан айтган-да, йўл қурилиши соҳасида жиддий ислоҳотлар бошланган эди.



гашида Президент Ислоҳ Каримов Буюк ипак йўли бўйлаб коммуналциялар ва алоқаларни, ҳаво, темир йўл ва тош йўллардаги қатновларни ривожлантириш, ҳар томонлама маданий ҳамкорликни авж олдириш учун Ўзбекистон катта қўш-ғайрат сарфлаётганига алоҳида урғу бериб, йўл бор жойда тинчлик, ҳамкорлик, ҳамжихатлик ва биродарлик, энг муҳими, маданий алоқалар билан бирга турмуш фаро-вонлиги ривож топади, нимага деганда, даракат қанчалик чўқур илдиз отса, шунчалик қудратли бўлади, дея таъкид-ляди.

1992 йилнинг 10 августда Тошкентда, Президент ҳузу-ридаги Маслаҳат кенгаши йиғилишида давлатимиз раҳба-

Бу фавқуллода ўзгартиш, энг аввало, пойтахтда ёрқин кўзга ташланган.

Ўтган етмиш тўрт йил мобайнида ўз ҳолига ташлаб қўйилган, на коммуналция тармоқлари, на галлаштириш бировнинг хаёлига келмаган Эски шаҳар қиёфасини туб-дан ўзгартириш ва ободонлаштириш билан боғлиқ кенг кўламли ишлар ёдингиздир?

Ислоҳ Каримов мамлакат раҳбари сифатида иш бошла-ган дастлабки кунларда Эски шаҳарнинг тор, эгри-бугри кўчаларини пийёда айланб чиқганини, шундан сўнг бу ҳудуд-да беқийс ўзгартишлар бошланганини, бу ишга Президент-нинг шахсан ўзи бош-қош бўлганини ҳамшаҳарларимиз яхши



ри ўз ўйимизда, қўшни мамлакатларда тинчлик ва осойиш-талик, барқарорлик устувор бўлса, кенг кўламли бунёд-корлик ишлари амалга оширилишини кайд этиб, қурилиш кўзда тутилган Термиз — Қарачи автомобиль йўли ва унинг маърифий-ижтимоий аҳамиятига алоҳида эътибор қарата-ди:

— Бу йўл боболаримиз Навой, Бобур Мирзолар юрган сарҳадлар, улар яшаган шаҳарлар бўйлаб ўтади, — деди Президент Ислоҳ Каримов. — Бизни сув йўлига олиб чиқиб, дунёнинг беҳудуд уммонлари билан боғлайди. Қурилажак йўл сиёсий ва иқтисодий жиҳат-дан беқийс аҳамиятга моликдир. Нимага деганда, сув йўли орқали юк ташвиш қўлай бўлиши билан бирга арзондир. Шу боис салкам 2,5 минг километрни ташкил эта-диган бу йўл ишга туширилса, нафақат Ўзбекистон халқи, балки Афғонистон ва Покистонда истикомат қилаётган минглаб, миллионлаб биродарларимиз учун ҳам янги-янги имкониятлар очилади, янги иш жойлари юзга келади, ҳамкорлигимиз, маданий алоқаларимиз мустаҳкамланади. Халқларимиз янги асрда дунё бозорига яна ўзининг муносиб ўрнига эга бўлади.

IV. ПОЙТАХТ ЖАМОЛИНИ ОЧГАН ЮКСАЛИШ

— Мен Ислоҳ Каримов сиёсатини узлуксиз кузатиб келаман, — деган эди озарбойжонлик журналист Ағаддин Бағиров. — Бир вақтлар уни қаттиққў-ллиқда айблашган. Ушанда мен, Каримовнинг бу иш бе-ҳикмат бўлмаса керак, деб ўйлаган эдим. Чунки кунги кечагача мисли қўрилмаган шафқатсиз тузумда титраб-қал-тираб яшаган одамлар демократияни бошбошдоқлик деб тушунаган бир пайтда, ҳар ким ўзига ҳон, ўзига бек, деб уларни ўз холига қўйиб берсангиз, кўнгил нималарни туса-майди, ахир?! Оломоннинг эҳтирослари билан ўйнашиш қандай оқибатларни келтириб чиқаришини биз ўз боши-миздан кечирдик. Афсуски, ўз вақтида «демократия» ши-ори остида ҳокимият учун курашганлар жамиятни пароканда этиб қолмай, қанчалар-қанча инсонлар ҳаётини ҳам бузиб ташлашди. Бир имандор вайрон этилса, уни таъмирлаш,

билдилар. Даставвал Согобон, Қорасарой, Гафур Фулом, Форобий каби эгри-бугри, тор кўчалар икки баробар кен-гайитрилди, пийёдалар учун йўлақлар, раван магистраллар барпо этилди ва жамоат транспортининг барча турлари қатнови изчил йўлга қўйилди, сўнг Аҳмад Дарча кўчасида 1151 метр масофага чўзилган муззам кўприк қуриб бит-казилди. Автомобиллар бир йўла опти қатнаш харақат қиладиган бу кўприк ҳозир Эски шаҳарни Юнусобод ҳамда Чилонзор билан чамбарчас боғлаб турибди.

Эски шаҳарнинг Фурқат, Қорасарой, Бешёғоч, Каттабоғ кўчаларида, шунингдек, Юнусобод, Паркент, Қўйлик, Хадра ва Олий бозори ҳуду-дида замонавий кўприклар, ер ости, ер усти йўллари барпо этилди. Энг муҳими, улар на-фақат йўловчиларга қўлайлик яратиш, балки шахримиз кўркамга кўр қўйиш мақсадида меъ-морий санъат обидаси сифатида бунёд этил-дики, ўзининг кўркамлиги ва улғуворлиги билан кўрган кўзга қувонч бағишлайди.

Зарқайнар, Уйғур кўчалари, Хадра майдони ҳам қайта таъмирланди, уларнинг бугунги жо-зибали қиёфаси узукка қўйилган кўздек шах-римизга ярашиб турибди. Худди шунингдек, кенг ва раван, замонавий йўллар Қосмонавт-лар проспекти, Фарғона йўли, Нукус, Ўзе-бекистон, Себзор, Самарқанд дарвоза кўчалари жамолани ҳам очиб юборди. Еки бўлмаса, Халқлар дўстлиги, ундан Қозор бозори ҳуду-дига ва Навоий кўчасига олиб чиқувчи сер-тармоқ йўллари, Навоий кўчасининг ўзюда амалга оширилган кенг кўламли йўл қурилиш-ларини бир эсга олинг. Миробод бозори тарафдан чиқиб келувчи Нукус шох кўчасининг бугунги таровати, Боги Эрам хиёбони олдидики йўллар тизими, бу ҳудуддаги гул-зор, майсазор, сунъий кўллар ва бог-роғлардан ташкил топган беповён истироҳат масканлари, Пушкин майдонига туташ кен-мўл янги хиёбонлар пойтахтимизга файз кири-тиш билан бирга нечоғлик кенглик бағишлаганини тасав-вур этиш учун бу ҳудудни пою пийёда сайр этиш kifоядир. Шаҳарга ҳаво олиб кирган бу кенгликлар пойтахт жамолани ўзгартириб қолмай, халқимизнинг бағрикенглигини ўзи-да намён этаётгандек бўлиб туюлади. Бу ҳудуддаги юзлаб замонавий маданий, маъшый шохобчалар кеңая кўнудэ сай-ёҳлару ҳамшаҳарларимизга меҳмоннавозлик кўрсатаётир...

Кейинги йилларда пойтахтимизда 200 километр узунлик-

да кўчалар қайта таъмирланди, 500 километрдан ошик янги йўллар, 5 километрдан зиёд муаззам кўприклар бунёд этилди.

V. КўПРИКЛАР

Тоғли ҳудудларда гоҳо қадимий тошкўприкнинг қолдиқ-лари учрайди, улар ўтмиш қаърига сингиб кетган қанча-дан-қанча тарихий воқеаларнинг тилсиз гувоҳидир. Икки соҳилни бир-бирига маҳкам боғлаб турган темиркўприк-ларга ҳеч эътибор қилганмисиз? Улардан ҳар йили неча юзлаб поездлар ўтади, неча юз минг йўловчининг хожа-тини чиқаради.

Бу дунё шундайки, қаёққа қараб юрманг, айланиб бориб, қайдадир кўприкка дуч келасиз. Бири метиндек мустаҳкам бўлса, бири омонат, аммо уларнинг барчаси икки соҳилни туташтириб туради ва одан боласи бўлинишларга барҳ-ам бериш, тақдир сўқмоқларини бир-бирига боғлаш, ҳаётни бир бутун холга келтириш йўлида қилган эзгу ҳаракатларнинг олий ва мукаммал тимсоли янглиғ таассур-от қолдиради.

Уруш пайтида портлатиб юборилган кўприк суратини бир кўз олдингизга келтиринг. Икки соҳилда қолган устунлар бир-бирига узатилганча ҳавода муаллақ қолган кўларни эслат-майдими? Зеро, бу ҳолатда чўқур маъно муҳассамдир.

«Кўприк қуриш дунёдаги энг сабовли ишлардан бири сифатида улуғланади, — дейди Пре-зидент Ислоҳ Каримов. — Чунки кўприк фа-қат қатновни қўлайлаштириш воситаси-гина бўлиб қолмай, дилларни дилларга боғлайди. Қолаверса, бугун биз бунёд этаётган кўприклар шахримиз меъморий гўзаллигини оширишда алоҳида аҳа-миятга эга».

Шу ўринда Шарқ дарвозаси бўлган пойтах-тимизга жанубдан кириб келишдаги, Отчопар бозори ҳудудидики Гаваҳ кўчасини Хоразмий кўчаси билан узаро боғловчи узунлиги 248 метр бўлган муаззам кўприкни, унинг тегра-сида тасмадек тўшалган замонавий янги йўллар тармоғини эслаш kifоядир.

— Йўл азоби нима эканини йўл юрган бил-ди, — дейди тошкентлик хайдовчи Ақром Жо-ниқулов. — Мен иш юзасидан ҳар кунги Отчо-пар бозори енидан ўтар эдим. Сир эмас, бир пайтлар бу йўлда машиналар «тиқилиб» қолиб, соатлаб хит бўлиб ўтирардик. Шундай пайт-да йўлнинг кесиб йўловчи ўтиши ҳам аса-бингни ўйнатиб юборар эди. Кимдир, қайга-дир шошяпти, ҳамманинг фиғони фалакка чиққан. Вақтинг кетгани, майли, кун бўйи диқ-қат бўлиб юрганинг ёмон. Шунинг учун ҳам бу ҳудудда янги йўллар очилиб, эскиларининг за-монавий талаб даражасида кенгайитрилиши, таъмирланиши дардимизга малҳам бўлди, де-сам, муболага бўлмади. Ҳозир кенг ва раван бу йўллардан ўтаётганда кўнглинг яйраб кета-ди. Йўлларнинг четига ям-яшил майса «ётқи-зилган», манзарали дарактлар экилган, тева-рак-атроф обод, гулзорлар таровати кишига хуш кайфият бағишлайди.

VI. КИЧИК ХАЛҚА ЙўЛ

Гўзал пойтахтимизнинг ички транспорт магистралининг ўзак томири бўлиши Кичик халқа йўлини бир кўз олдингизга келтиринг. Унинг ишга туширилган 35 километрдан иборат биринчи навбатининг ўзюда учта муаззам кўприк мавжуд. Буюк ипак йўли, Паркент ва Пушкин кўчаларида қад рост-лаган бу ишоолар ўз салобати билан ҳам, асосий йўналишга боғлинишидаги узвийлиқни таъминлаши билан ҳам кишичи хайратга солади.


Бу замонавий магистралда бирйўла саккиз қатор маши-на харақат қиладди. Унинг бир неча жойида ер ости йўлла-ри, шунингдек, жами тўққизта кўприк қад ростлайди.

Бугунги кунга келиб, пойтахтдаги автобус қатновчи йўлларнинг узунлиги 2218 километрдан ошиб кетди. Ҳозир пойтахтдан чиқиб, қайси йўналиш бўйича йўлга отланманг, кенг, раван йўл ўртасида яшнаб турган анвойи гулларни, ям-яшил дарактларни кўрасиз. Уч-тўрт йил му-қаддам Фарғона — Қува йўли шундай жозибаси билан ки-шилари ўзига маҳлўб этган, бугун сиз қаерга борманг, шундай сулим манзаранинг гувоҳи бўласиз, баҳри-диллин-гиз очилади.

Бу йўлларнинг икки четюда қад ростлаган замонавий ти-жорат дўконлари, ошхона ва чойхоналар, кўркам меҳмон-хоналар, кемпинглар, шаҳар дарвозалари ўз жозибаси билан кўнглига шуқуқ бағишлайди. Тошкент — Ўш, Тошкент — Термиз шох йўлларидаги орасталликни кўриб, «Буни қаранг-а, шундай қилиб қўйса бўлар экан-ку!» — деган фикр хаёлинигиздан ўтади.

Ҳозир Тошкент — Термиз йўналиши босқичма-босқич тўрт тасмаликдан олти тасмалик йўлга айлантирилмоқ-да, яқинда эса халқаро йўналишда юк ташувчи автомо-биллар учун иккита техника ёрдам кўрсатиш пункти ишга туширилди. Тошкент — Ўш йўналишида эса харақат мўътадиллигини таъмин этувчи иккита янги кўприк бино этилди. Фарғона — Қуваасой, Фарғона — Қува, Фарғо-на — Андижон — Наманган йўллари, Шўртан газ-кимё мажмуи йўллари, Қармана кўчалари, Катта Ўзбекистон трактиндан Навоий шаҳрига элтувчи йўллар, бу йўллар-нинг икки тарафида барпо этилган бог-роғлар кимнинг ҳавасини келтирмайди, дейсиз. Мамлакатимизнинг қаери-га борманг, йўллар янада кенгайитрилиб, қайта таъмир-ланаётганига гувоҳ бўласиз. Айниқса, янгидан барпо этил-ган шинам автобекетлар ўзининг кўркамлиги билан ки-шини мафтун этади.

«Магистраль автомобиль йўлларимизни яхшилашга ки-ришганимизда биз гуриқраб яшаган миллат эмас эдик, — дейди америкалик Томас Х. Макдональд, — лекин биз



барпо этган йўлларнинг ўзи тижоратда ҳам, саноатда ҳам, ердан унумли фойдаланиш ва бизнесни таркиб топтириш-да ҳам бизга қўмақчи бўлди, фаровон ҳаётимизнинг са-бабчиסיга айланади».

Албатта, ҳар қандай иш ҳам ўша захоти ўз самарасини бермайди. Ҳатто ниҳол ҳам ҳосилга кириши учун йиллар мобайнида парварши талаб этади. Ўша машаққатли йил-ларда узокни кўзлаб сабр ва матонат билан бошланган кенг кўламли ишлар бугун кўз олдимизда — ҳеч ким рад эта олмайдиган тарзда, ўз салобати, бўй-баста билан тўла намён бўлаётир.

■ Фаффор ҲОТАМОВ

ХОРИЖДА ХАМ ЗҮР УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

17.00 да участка комиссияси қарорига мувофиқ ўз иштини якунлади. Референдумда овоз берувчилар рўйхатидаги 107 нафар ўзбекистон фуқаросининг барчаси иштирок этди. Овоз бериш нажжалари тўғрисида референдум ўтказувчи участка комиссиясининг баёнида қайд этилганидек, овоз беришда иштирок этган жами фуқароларимизнинг 102 нафари келгуси қаҳриқ ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қўлиб сайланиши ҳамда ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат мuddатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгарилишини қўлиб овоз берган. Референдумда жамоат арбоби, ёзувчи, «Kudo News» ахборот агентлиги мухбири Т.Хамашима, шунингдек, «The Japan Times» газетаси, «ННҚ» телерадиокомпанияси вакиллари қузатувчи сифатида иштирок этдилар.

Ш.УМИРОВ, «Жаҳон» АА

РЕФЕРЕНДУМ:

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР НИГОҲИДА

Бўлиб ўтган референдумда дунёнинг 32 давлатдан 130 дан ортиқ халқаро қузатувчилар иштирок этишди. Улар орасида чет давлатлар парламентлари аъзолари, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда 20 га яқин давлатнинг 30 дан ортиқ оммавий ахборот воситалари ходимлари бор эди. Улар юртимизнинг турли референдум участкаларида бўлиб, фуқароларимизнинг референдумдаги фаол иштирокларига бевосита гувоҳ бўлишди.

Али Жасим Аҳмад: (Бирлашган Араб Амирлиги парламенти аъзоси)

— Ўтган йили биринчи бор ўзбекистонга келганимдаёқ диёрингиздан улкан таассуротлар билан қайтганман. Иккинчи ташрифим ҳам хайратларга тўла бўлди. Ўтган қисқа бир йил ичида қўллаб ўзгаришлар бўлганлигини кўриб, чет эллик фуқаро сифатида тасанно дейман. Мазмунчилик соҳасида қўллаб ўзгаришлар бўлиб, янги иморатлар қад ростлабди. Янги завод, фабрика ва корхоналар қурилганлиги иқтисоднинг ҳам анча ўсганлигидан далолат бериб турибди. Бундан ташқари, ўзбекистоннинг ўтган бир йил ичида халқаро нуфуси анча ошди. Бир сўз билан айтганда, юртингиз ривожланиш томонига улкан қадамлар билан одимламоқдаки, бу унинг келажаги буюк эканлигидан далолатдир.



Бирлашган Араб Амирлигида ўзбекистонни Марказий Осиёдаги йиллик давлат сифатида билишди. Ишончим комилки, келажакда давлатларимиз, халқларимиз ўртасида алоқа ривожланади. Парламентларимиз орасида ҳам ўзаро робита ўрнатилди, деб умид қиламан.

Мен 224,83-референдум участкасидаги референдум жараёнини қузатдим. Айтишим мумкинки, референдум халқаро меъёрлар асосида ташкил қилинган. Халқнинг иштироки эса аъло, деб баҳолаш мумкин.

Бригитте Чахе: (Саксония парламенти вакили)

— Дунёнинг кўпгина давлатларида давлат ва халқ ўчи энг муҳим масалалар умумхалқ муҳокамасида ўтказилади. Бу дунё тан олган демократик меъёрдир. Қонун чиқарувчи ва ижроия ҳўкиматидаги муҳим ўзгаришлар тўғрисидаги масаланинг

халқ муҳокамасига қўйилиши ўзбекистон олиб бораётган сиёсатнинг нақадар тўричилиги, очкиглиги ва демократик меъёрларга мослигидан далолатдир. Биз ўзбекистон ҳақида кўп эшитгандик. Бугун бевосита гувоҳ бўлиб туришимиз: юртингиз демократик асосда ривожланмоқда. Референдумнинг ташкилий томонини юксак даражада десак бўлади. Аҳоли ўз иродасини эркин ифода этди. Фуқароларнинг фаолияти, айтиш мумкинки, кишини руҳлантирадиган даражада.

Росвита Риес: (Германия)

— Тошкент молия коллежи биносида жойлашган 312-референдум участкасида бўлдим. Референдум ўтказилган хоналар халқаро меъёрларга тўла жавоб беради. Фуқаролар ўз овозларини эркин равишда ифода қилишди. Бирорта қонун бузилиш ҳолатига гувоҳ бўлганим йўқ. Бу мамлакатнинг иқтисодий ҳўқуқий-демократик ривожланиш йўлидан дадил бораётганлигининг белгисидир. Референдум кун тартибига қўйилган масалалар ҳам демократик ривожланиш йўлида анча-мунча қадам ташлаган давлатлар даражасига етибди. Ўзбекистон халқи ана шундай жиддий масалаларни муҳокамага қўйганлигидан, аввало, хурсанд бўлиш керак.

■ Акбар ЖОНУЗОҚОВ эзиб олди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 10 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

малакали учувчи ва техник кадрлар тайёрлаш борасидаги эришган муваффақиятлари учун кўйилган мукофотлансин:

«МЕХНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН АБДУШУКУРОВ Абдукарим — «А-310» самолётлари учувчилар отрядининг катта штурмани

АНИШЕНКО Валентин Иванович — «Боинг-767» самолёти командири

КАРИМОВ Алишер Аминбаевич — «АJ-85» самолётлари учувчилар отряди командирининг ўринбосари

КЛИМОВ Геннадий Васильевич — «Ту-154» самолёти командири

КУБРАК Василий Николаевич — авиатаъмирлаш заводининг бўлинма бошлиғи

ХУДАЙБЕРГЕНОВ Кенжебай Ешбаевич — «Нукус»

аэропорти директори

ШЕПЕЛЕНКО Валентина Сергеевна — авиатаъмирлаш заводининг бутлаш участкаси устаси

«ДУՔТИК» ОРДЕНИ БИЛАН БАДРАДИНОВ Георгий Киямович — авиакомпания Марказий диспетчерлик хизмати бошлиғи

БЕСЕДИН Борис Васильевич — авиакомпания Ишлаб чиқариш ва ташуварлини ташкил қилиш департаментининг директори

ВОРОНКОВ Юрий Васильевич — «Ту-154» самолёти командири

ЕЛИЗАРОВ Евгений Петрович — авиатаъмирлаш заводининг синовчи-учувчиси

МАВРИН Юрий Осипович — Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Республика давлат назоратининг етакчи мутахассиси

САИТОВ Раис Рубевич — «Узаэронавигация» Маркази Наманган алоқа ва радиотехника ускуналаридан фойдаланиш базасининг бошлиғи

ТАДЖИЕВ Николай Савилович — авиакомпания учувчилар отрядининг командири

ЦОЙ Валерий Николаевич — «Боинг» самолётлари учувчилар отрядининг йўриқчи-учувчиси

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

АНТЮХОВ Александр Иванович — авиакомпаниянинг Россиядаги минтақавий вакили

ВЫПРИЦКИЙ Евгений Витальевич — «Ту-154» самолётининг иккинчи учувчиси

ГРУДЕНКО Раиса Григорьевна — авиакомпания ишлаб бошқарувчиси

ИСАМУТДИНОВ Султанбек Шамсидинович — Андижон аэропортининг етакчи муҳандиси

МАХСУДОВ Анорбек Таштамович — авиатаъмирлаш заводи техник-назорат бўлимидининг катта назоратчиси

САВЕЛЬЕВ Владимир Сергеевич — Тошкент авиация-техника базасининг авиатеҳниги

САИДОВ Алишер Якубович — «Узаэронавигация» Маркази Тошкент бўлимининг диспетчери

ТАДЖИЕВ Фарид Адидович — авиация-кимёвий ишлаб бўйича Самарқанд авиаэскадрильяси командири

ЮСУПОВА Ольга Федоровна — авиакомпания Бортуқузатувчилар хизматининг йўриқчи-бортуқузатувчиси


Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ** Тошкент шаҳри, 2002 йил 23 январь



МАБЛАҒЛАР МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТГА ТОПШИРИЛАДИ

АҚШ қўшинлари Афғонистонда шу йил ёзгача қолиши мумкин. Бу ҳақда АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд Вашингтонда бўлиб ўтган брифингда баёнот берди.

АҚШ ҳарбийлари «Ал-Қаида» ва толибларнинг ҳали яшириниб юрган гуруҳларини қидиришни давом эттиради ҳамда янги муваққат ҳукуматнинг олиб бораётган ислохотларида қўмақлашадди. Айни пайтда Афғонистондаги АҚШ ҳарбийларининг сони 4 мингга етади. Шунингдек, АҚШ ҳукумати Афғонистонга тегишли «музлатилган» ҳисоб рақамлардаги жами 217 миллион доллар маблағни муваққат ҳукуматга қайтариш масаласини ҳам ижобий ҳал қилган.



ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАР ДАРАЖАСИДА

Россия ҳукумати эски паспортни янгисига алмаштириш мuddатини кискартириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Аввал қабул қилинган шу хуусудаги қонун ҳужжатларига асосан, янги паспорт тизимига ўтиш мuddати 2005 йил 31 декабрь қилиб белгиланган эди. Янги қарорга кўра, бу мuddат 2003 йил 31 декабрда деб ўзгаририлди. Ҳукумат бундай тўхтамга келиши сабабларини солиқ соҳасидаги баъзи муаммоларни бартараф этиш зарурати билан изоҳлайди. Шу сабаб қарорда янги паспортда фуқаро шахси оид «одатий» маълумотлардан ташқари қон гуруҳи, резус-фактор ҳамда солиқ тўловчи идентификация рақами ҳам кўрсатилиши назарда тутилган. Фуқаро шахсини аниқловчи асосий ҳужжатда бундай маълумотларнинг бўлиши халқаро андозаларга ҳам мос келади.

СОБИҚ ШОҲ ВАТАНИГА ҚАЙТМОҚЧИ

Покистон матбуоти тарқатган хабарларга кўра, Афғонистоннинг собиқ шоҳи Муҳаммад Зоҳир Шох ўз ватанига улғу айём — Наврўз арафасида қайтишга қарор қилибди.

Маълумки, Зоҳир Шох 29 йилдан буён Римда яшаб келмоқда. У тахтага 1933 йил 8 ноябрда отаси Нодир Шох ўлимидан сўнг ўтирган эди. Салкам 40 йил мамлакатни бошқарди. 1973 йил 17 июлида тахтни амакиваччаси Муҳаммад Доуд эгаллади.

НАМОЙИШЛАР КУЧАЙМОҚДА

Аргентинада аҳолининг норозилик намойиши давом этмоқда. Улар ҳукуматдан «музлатилган» ҳисоб-рақамларини очишни талаб қилишмоқда.



Ҳукумат инқироз тезлашишининг олдини олиш мақсадида аҳолининг банклардаги жамғармаларини ёпиб қўйишга мажбур бўлди. Бунга дастлаб инфляция, сўнгра янги ҳукумат жорий қилган песоно деволвация қилиш жараёни натижасида бор-бўдидан айрилган одамларнинг ёппасига ўз маблағларини банклардан қайтариб олишга киришгани сабаб бўлганди. Бу ҳолат ҳукумат олдида икки мураккаб вазиятни келтириб чиқарди. Биринчидан, ҳукуматда ҳам, банкларда ҳам аҳолининг ушбу талабини қондиришга имкониятнинг чегараланганлиги бўлса, иккинчидан, нақд пулнинг муомаллада керагидан ортиб кетиши масалани янада чигаллаштиради эди. Бу фикрлар ҳукуматнинг ўзини оқлаш учун кўрсатган важири. Сўзинг ҳам 4 йилдан буён давом этиб келаётган иқтисодий инқироз тўғрисида аҳоли жуда оғир ҳаёт кечирмоқда. Ишсизлар сони 20 фоизга етган. Озиқ-овқат, дори-дармонларнинг етишмаслиги, миллий валютанинг қадрсизланиши кун сайин ошиб бормоқда. Шундай танг вазиятда, ҳукуматнинг аҳолини ўз жамғармаларини олишдан маҳрум қилиши эса, ҳаммасидан ошиб тўшди.


Намойишчилар янги ҳукуматнинг олиб бораётган сиёсатида батамом норозилигини билдиришмоқда. Улар озиқ-овқатлар етишмаслигининг рамзий маъноси сифатида қўлларидagi турли ошхона анжумларини бир-бирига урганча, ҳукумат уйини ўраб олишга ҳаракат қилишмоқда. Мамлакатда аҳолининг бундай норозилик чиқишлари одатий ҳолга айланиб бормоқда. Икки ойдан буён давом этиб келаётган бундай намойишларда 27 киши қурбон бўлган.

ҚИСҚА САТРАЛАРДА:

Халқаро атом энергетика агентлиги экспертлари яқин кунлар ичида Ироқ уран омборларини текширувдан ўтказиш учун Богдодга келади. Бу назорат 1998 йили жорий қилинган бўлиб, хар йили ушбу агентлик томонидан ўтказилиб келинади. Ироқ ҳукумати эса бундай текширишларга чек қўйишни сўраб БМТга мурожаат қилган.

Ўтган дам олиш кунининг ўзида Москвада икки киши совуқ урушидан ҳалок бўлган. 34 фуқаро касалхонага ётқизилган.

Шимоллий Житой шахталарининг бирида содир бўлган портлаш оқибатида 27 нафар ишчи қурбон бўлди.



Пойтахтнинг Юнусобод туманидаги 51-гимназия мактабида бўлган, ўқувчиларнинг француз тилига ўзгача ҳавас билан қарашларини сезасиз. 40 йилдан буён ёшларга француз тилининг жозибаси ва силарини ўргатиб келаётган устоз, «Халқ тўлими фидойиси», «Халқ тўлими аълочиси» кўкрак нишонлари соҳиби Улғой Воҳидова ўз билгимини шогирдларидан аямайди.

Ўтган йили Шерзод Зуфаров республика, Нодира Мавлонова шахар кўрикларида фахрли 1-ўринни кўлга киритишди. 10-синф ўқувчиси, қатор кўрик-танловлар голлиби Умида Тўхтаўжаева 2001 йилда ЮНЕСКО йўлланмаси билан 15 кунга Францияга бориб келди. Айни дамларда мактабнинг 5 нафар собиқ талабаси мазкур мамлакатдаги олийгоҳда француз тилини кўн т билан ўрганапти.

Франциянинг ўзбекистондаги элчихонаси мактабни ўз оталигига олган. Элчихона ходимлари тез-тез бу билим масканда бўлишади. Улар томонидан мактабга турли хил компьютер ва ўқув жиҳозлари олиб берилган. Ўқувчилар дарс машғулотларига тўғридан-тўғри Париждан олиб кўрсатиладиган кабелли телевидениедан фойдаланишади. Бу кўрсатилаётган амалий ёрдам ёшларнинг француз тилига бўлган қизиқишини оширмоқда.

Суратда: Ўғдой Воҳидова 10-синф ўқувчиси Умида Тўхтаўжаева билан.

«МИРОБОД БОЗОРИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Миробод бозори» очик акциядорлик жамияти 2002 йил 1 март кўни 2001 йил якунлари бўйича акциядорларнинг навбатдаги умумий йиллик мажлиси ўтказилишини маълум қилади.

Кўн тартибига қўйилган масалалар қиритилган:

1. «Миробод бозори» ОАЖнинг 2001 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2001 йил якуни бўйича молиявий-ҳўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик ҳўлосининг тасдиқлаши.
3. Жамиятнинг 2001 йил якуни бўйича мо-

лиявий-ҳўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Жамиятнинг 2001 йил молиявий-ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият йиллик балансини тасдиқлаш, даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибининг тасдиқлаши.

5. Жамиятнинг 2002 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.

6. Жамиятнинг 2002 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.

7. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига ўзгарилиш қиритиш.

8. Жамият тафтиш комиссияси ҳақидagi ва ҳисоб комиссияси ҳақидagi Низомларни тасдиқлаш.

Акциядорларнинг умумий мажлиси бозор мазмурияти биносида соат 16.00 бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 15.00 дан бошлаб амалга оширилади.

Бизнинг манзил: Нукус кўчаси, Миробод бозори маъмурияти биноси.

Умумий мажлисда қатнашиш ҳўқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2002 йил 30 январь ҳолати билан ёпилади.

Жамият КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

«Миробод бозори» ОАЖ баланси (минг сўм)

АКТИВ	2001 йил якуни	2002 йил якуни
1. Узоқ мuddати активлар	958930,9	960584,6
Долзар оёнамалар		
Бондларнинг (қайта тиласи) қиймати (01, 03)	21270,8	22709,8
Эскерилми (02)	12170,8	93374,8
Қоғаз қиймати (010-011)	93660,1	2155,1
Капитал қўнмилар (07, 08)	45,0	45,0
Узоқмавдатли қарздорлар (09)	937005,1	935575,6
1-бўлим бўйича жами	1972,0	3766,1
Ишлаб чиқариш заварлари	16869,3	4527,7
Олиб солинган тошлар	146908,9	146908,9
Безусул анир қарздор	17920,7	16400,8
Пула маблағлари	2800,0	2800,0
Қисқа мuddати қўнмилар	3991,6	23310,4
Халқнинг ва буғуртамчилар билан ҳисобланганлар	757,7	2367,7
Бюджет билан ҳисобланганлар	193121,1	203461,0
Бошқа дебиторлар	1130126,2	1139036,6
1-бўлим бўйича жами	193121,1	203461,0
ЖАМИ	1972,0	3766,1
ПАСИВ	40746,5	40746,5
Устив капитал	373461,9	32082,2
Резерв капитал	746,2	1117,6
Тасдиқланган фонд	695333,9	695333,9
Мақсадли тушум ва фондалар	1109742,3	1119231,5
1-бўлим бўйича жами	1109742,3	1119231,5
МАЖБУРИЯТЛАР	399,1	1429,8
Моз етказиб беришлар	5002,0	6373,0
Бюджет бўйича қарзлар	746,2	1117,6
Муддатга ҳақ, тушум бўйича қарзлар	204,7	175,0
Иқтисодий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар	12,3	14,5
Балкастай таъқир суғуртов бўйича қарзлар	555,3	669,1
Шерба қорондларига қарзлар	11354,3	11025,1
Бошқа кредиторлар	20383,9	19805,1
1-бўлим бўйича жами	1130126,2	1139036,6
ЖАМИ	1130126,2	1139036,6

Даромадлар ва харажатлар ҳисоби

	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
	Даромадлар	Харажатлар	Даромадлар	Харажатлар
Мақсудот (иш, хизмат) солинган тушум тушум	112124,8		163688,8	
Солинган олинган соғ тушум	112124,8		163688,8	
Сўтинган мақсудот иш ва хизматларнинг ишлаб чиқариш танамлари		36249,9		34055,5
Солинган тушум ақли молиявий натижа	75874,9		109633,4	
Сўтин харажатлари		3577,3		3264,9
Маъмурий харажатлар		36269,5		43932
Ассети фаолиятининг бошқа жараёнларидан даромадлари ва харажатлари	36028,2		62436,5	
Бошқа олинган дивидендлар	630,9		573,1	
Молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва харажатлари	33651,3		40202,6	
Умумий молиявий фаолиятнинг молиявий натижаси (фойда ёки зарар)	70310,4		103212,2	
Солиқ, тушум ва ҳазор ушумни молиявий натижа	70310,4		103212,2	
Фойда (даромаддан) солиқ		55200,9		2156
Юқоридаги медалларга қирмаддан бошқа солиқ ва дивидендлар				77147,3
Ҳисобот давридаги соғ фойда (зарар)	15109,5		23908,9	

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 29 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйилган қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	358,48	10 Люксембург франки	148,71
1 Австрия шиллинги	43,60	1 Малайзия рингити	182,42
1 Англия фунт стерлинги	977,58	1 Германия маркаси	306,72
1 Бельгия франки	148,71	1 Польша злотийси	167,33
1 Голландия гульдени	272,22	1 СДР	860,19
1 Греция драхмаси	17,61	1000 Туркия лираси	0,51
1 Дания кронаси	80,85	1 Финляндия маркаси	100,90
1 БАА дирхами	188,72		

«ОҚ ОЛТИН»

ТЕЛЕВИЗИОН ПУЛ-БУЮМ ЛОТТОСИНИНГ 2002 ЙИЛ 3 ФЕВРАЛДАГИ 9-ТИРАЖИДА ЎЙНАЛАДИГАН ЮТУКЛАР:



1 тур — «ELITA» салонининг 250 000 сўмлик буюмлари

3 тур — 750 000 сўмлик тилла буюмлар

5 тур — «MATIZ» автомобили

2 тур — 500 000 сўмлик тилла буюмлар

4 тур — 1 000 000 сўмлик тилла буюмлар

6 тур — «NEXIA» автомобили

«ОҚ ОЛТИН» ТЕЛЕКЎРСАТУВИ ҲАҚИДАГИ ЭНГ ЯХШИ ҚЎШИҚ УЧУН ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ! МУКОФОТ — «ОЛТИН МИКРОФОН». ТЕЛЕФОНЛАР: 133-66-53, 133-66-79.

«ОҚ ОЛТИН» ТЕЛЕВИЗИОН ПУЛ-БУЮМ ЛОТТОСИНИНГ 2002 ЙИЛ 27 ЯНВАРДАГИ 8-ТИРАЖИДА ЮТган ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ЖАДВАЛИ

Large table with multiple columns containing lottery numbers and categories. Includes sub-sections for '8-ТИРАЖИДА ЮТган ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ КИСКА ЖАДВАЛИ' and '«ОҚ ОЛТИН» ТЕЛЕВИЗИОН ПУЛ-БУЮМ ЛОТТОСИНИНГ 8-ТИРАЖИДА ЮТган ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ КИСКА ЖАДВАЛИ'.

BOSH MUHARRIR Azim SUYUN. Tahrir Hay'ati: Abdulla ORIPOV, Abdulhafiz JALOLOV, Azimjon AYUPOV, Aziz NOSIROV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Norbobo SHAKAROV, Alimqul SULTONOV, Andrey O'RILOV, Baxtiyor HAMIDOV, Rahima HAKIMOVA, Tolepbergen QAIPIBERGENOV, Farmon OMONOV, Mahkamboy O'MAR ogli.

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR: Siyosat va huquq — 133-44-55, Iqtisodiyot — 133-76-04, Ma'naviyot — 133-07-20, Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, Axborot — 136-55-16, Kotibiyat — 133-72-83, Reklama va e'lonlar — 133-38-55, Fax — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqq boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda — 25-16-16, Buxoroda — 222-10-92, Gulistonda — 25-03-80, Jizzaxda — 5-49-85, Navoiyda — 3-39-20, Namanganda — 6-43-43, Nukusda — 222-70-12, Samarqandda — 35-20-54, Toshkentda — 136-53-16, Urganchda — 226-51-35, Farg'onada — 26-43-62, Qarshida — 4-61-35, Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi Ravshan SHODIYEV. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 0004-raqam bilan nashrda olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 3102

Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 21.00. 1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA